

Наманган Давлат Университети

Филология факультети

Факультетлараро чет тиллар кафедраси

ўқитувчиси Мамашаева Мастуранинг

“Муаммоли таълим воситаларидан фойдаланиш”

НОМЛИ МАҚОЛАСИ

НАМАНГАН-2016

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Наманган давлат университети

Мамашаева Мастура

“Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларнинг тарбиялаш имконига эга бўламиз”,- деб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек бугунги кунда таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Натижада таълим мазмунининг янги лойиҳаси – янги педагогик технологияни қўллаш зарурати вужудга келди. Шу билан бирга, Президентимиз И.А.Каримов томонидан миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ҳар жиҳатдан илмий асослаб берилди. Миллий дастурнинг иккинчи босқичида “2001-2005 йиллар ўқув-тарбиявий жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, ўқитиш сифатини ўзгартириш муҳим вазифалардан бири”¹ сифатида белгиланди. Бу албатта, биринчичи галда халқ таълимининг пойдевори бўлмиш бошланғич синфларга бевосита тааллуқлидир. Бола илм-фан асосларини, саводхонликни шу босқичда ўрганади.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш болаларни мустақил фикр юритишга, эркин фикрлашга, уларнинг дарсдаги фаолликларини оширишга эришишни таъминлайди. Дарс жараёнини ўқувчи учун қизиқарли, унинг ўзлаштириб олиши учун қулай услубларда ташкил этиш, ўз маҳоратини кўрсата билиш, ҳар бир дарсни янги педагогик технологиялар элементлари асосида олиб бориш бугунги кун талабидир. Янги педагогик технологиянинг бош мақсади, дарс жараёнида ўқувчи мавзу материални осон ва қулай ўзлаштира олиши, саволларга эркин, ҳаётий кузатишлари асосида жавоб қайтаришга эришишдир.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижоди, унинг “Қутадғу билиг” асарини ўрганиш мактабларда, академик лицей ва касб-хунар

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.- Б. 64.

коллежларда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида ўқитилиш режалаштирилган. Биз унинг мактабда ўрганилиш борасида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Бошланғич синф ўқиш китоби орқали ўқувчилар Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан олинган “Ўқув ва билим ҳақида” матни билан яқиндан танишадилар. Юсуф Хос Ҳожиб ўз замонасининг донишманди, мутафаккири, илғор фикрли файласуфи эди. У ўз асарида илм-фан, билим ва заковатга алоҳида эътибор билан ёндашади.

Дунёдаги барча эзгуликлар илм, билим, заковат орқали намоён бўлади. Ўқув, идрок, қоронғу тундаги машъалга ўхшайди. Билим эса машъалдан таралаётган нурга ўхшайди. Билим қоронғуликдаги машъал, зулматдаги зиёдур. Жаҳоннинг сир-синаотлари билим туфайли очилган.

Ўқув қут беради, билим – шараф-шон,

Шу иккови туфайли улугдир инсон.

Уқуш қайда бўлса улуглук бўлур,

Билиг кимда бўлса, бедуглук алур.

Яъни, Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади,

Билим кимда бўлса, буюклик олади.

Билим орқали кишилар ғафлатдан уйғонишади, Дунё ишларидан хабардор бўлишади. Билимсиз киши мисоли хаста. У ўзини даволаши учун билим, заковат ўрганиши керак.

Буларда қайу булди эрса билиг,

Улар урмиш ўд кун ажунқа алиг.

Яъни, Булардан қайси бири билим соҳиби бўлса,

Улар давр, юрт, дунё ишига қўл урар.

Бу ифодаларнинг ихчам ва лўнда, биргина самимият билан йўғрилганини айтиш шу хислатлар туркий халқларнинг XI асрдаги ривожланиш

, тарихига хос бўлган тафаккур тарзини кўсатиши билан эътиборини тортади.

Уқушун ағар-ул безур

Бу экки била эр ағирлик кўрур.

Яъни, Ўқув ва идрок билан киши юксалади,

Бу икки(си) эр қадр-қиммат қозонади.

Билигсиз киши бир емишсиз йиғач,

Емишсиз йиғачиг неку қилса ач.

Яъни, Билимсиз киши бир мевасиз ёғоч,

Мевасиз ёғочни оч киши нима қилади.

Юқоридаги мисралар илдизи ниҳоятда чуқур, у орқали эришилган ютуқларнинг чеки-чегараси йўқлигини ифодалайди. Билимли кишини эса қадр-қиммат қозонган буюк ва улуғларга тенглаштиради.

Ўқитувчи мана шу мавзунини ўқувчиларга янги педагогик технологиялар асосида етказиб берса, дарс самарадорлиги ошади, ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқишлари янада ортади.

Ўқитувчининг мавзу ҳақида маълумот беради. Ўқувчилар матн билан танишиб чиқадилар. Парчани ўқиб, билимли одам қандай мартабаларга эришади, улар қандай бўлишлари кераклигини топшириқ қилиб бериб, уларнинг тушунчалари аниқланади. Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, бошланғич синф ўқувчиларига муаммони савол тарзида бериш қулайдир.

Муаммони доскага ёки олдиндан тайёрлаб қўйилган катта қағозга барча ўқувчиларга кўринадиган қилиб ёзиб қўйиш ҳам мумкин. У плакатларга ҳар бир гуруҳдаги болалар ўзаро маслаҳатлашиб, ўз фикрларини ораларидан баттадан бола чиқиб ёзади.



Буни уюштиришда ўқитувчи ниҳоятда ижодкор бўлиши лозим. Аввало, муаммо қўйгандан сўнг уни бажариш учун 5 минут вақт берилиши лозим. Вақт тугаши билан ёзишни тўхтатиш керак, шунда ўқувчилар тез ёзишга ҳаракат қиладилар.

Юқоридагидан кўриниб турибдики, демак, бу методдан дарсни умумлаштириш ва хулосалашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агар ўганилган шеърни, асарни ёки матнни агар ўзлари умумлаштиради, уларни эсда сақлаб қолишлари осон бўлади. Бунинг учун аввал албатта, ўқитувчи ҳам ўқувчилар билан ҳамкорликда ишлаши шарт. Агар ўқиш дарсларини юқоридаги метод асосида ташкил этилса, дарснинг самарали ва қизиқарли бўлиши таъминланади.

Адабиётлар:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.- Б. 64.